# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАРОИТДА БОЛАЛАРДА УЧРАЙДИГАН ГЕЛЬМИНТОЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

**Самандарова О.Д**
*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, магистр*

**Кириш.** Паразитар касалликларга қарши кураш муаммоси Ер юзида глобал муаммолардан бири ҳисобланади, халқаро икдисодий алоқаларнинг кенгайиши, аҳоли миграцияси паразитар касалликларни кўпайишига сабаб бўлмоқда. Гельминтозларнинг тарқалишида табиий иқлим омиллари ва аҳолининг ижтимоий икдисодий ҳолати асосий роль ўйнайди. Гельминтозлар – қуйи даражадаги чувалчанглар, яъни гельминтларнинг турли вакиллари келтириб чиқарадиган, одамларда кенг тарқалган паразитар касалликлар ҳисобланади. Одамларда касаллик келтириб чиқарадиган гельминтлар иккита типга мансуб: тўгарак чувалчанглар – Nemathelminthes типи (Nematoda синфи) ва ясси чувалчанглар – Plathelminthes типи (тасмасимон чувалчанглар - Cestoidea ва сўрғичлилар – Trematoda синфлари) бўлиб, 280 турдан ортиқроқни ташкил этади, шулардан 50 тури кенг тарқалгандир [2]. Ер юзида гельминтларнинг тупроқда тарқалиши натижасида 1,5 млрд одам ёки жаҳон аҳолисининг 24% гельминтлар билан зарарланганлиги аниқланган [5].

Гельминтозлар - кенг тарқалган касаллик гуруҳи ҳисобланиб, соғлиқни сақлашда аҳоли соғлиқ даражасини белгиловчи муаммо сифатида давом этиб келмоқда. Гельминтозларнинг ер юзининг барча жойларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалиши, ҳамда уларнинг одамларга келтирадиган потологияси бу касалликларни ҳар томонлама ўрганишни тақоза этади.

**Тадқиқотнинг мақсади** Хоразм вилояти шароитда болаларда учрайдиган гельминтозларни аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларини тавсия этишдан иборат.

**Тадқиқот материаллари** 2021 йил Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги Санитар эпидимологик осойишталик ва жамоат санитария хавфсизлик (С.Э.О ва Ж.С.Х) бўлими ходимлари билан биргаликда олиб борилган гельминтологик текширув тадбирларида йиғилди. Гельминтозларга карши текширувлар С.Э.О ва Ж.С.Х ходимлари билан биргаликда 2014 йил режасига кўра ўтказилди. Гельминтозларга карши текширувлар аҳоли орасида сўров ва лаборатория усулида ўтказилди.

**Тадқиот натижалари ва таҳлили.** Ҳазорасп тумани санитар эпидимологик осойишталик ва жамоат санитария хавфсизлик бўлими 2021 йил 4 чи квартал режаси бўйича гижжа касалликларига қарши олиб борилган ишларда жами 6640 киши текширувдан ўтказилди: сўровда - 712 та, лабораторияда - 5928 та киши текширилди. Мактаб ёшигача бўлган болалар сони жами 5793 та: сўровда - 473 та, лабораторияда – 5320 та бола текширувдан ўтказилди.

2021 йил фақат 4 кварталда текширувдан ўтган аҳолидан 84 киши гельминтозлар билан касалланганлиги қайд этилди, шундан мактаб ёшигача бўлган болалар сони 76 тани (89,4%) ташкил этди, сўровда - 3 та, лабораторияда – 81 та. Бемор болаларнинг барчаси лаборатория текширувидан ўтказилганда уларнинг касалланганликлари маълум бўлди.

Текширув натижасида беморларда аскаридоз, энтеробиоз, эхинококкоз каби касалликлар қайд этилди.

**Аскаридоз** - одам аскаридаси (*Ascaris lumbricoides*) келтириб чиқарадиган касалликдир. Аскарида анча йирик паразит, танаси дуксимон, қизғиш рангда бўлади. Вояга етган чувалчанглар ингичка ичакда яшайди. Аскарида тухумлари одам ичагидан ахлати билан бирга ташқи муҳитга чиқиб туради. Одам ичагидан чиққан аскарида тухумлари нам муҳитга тушиб қолганида бир ой давомида уларнинг ичида личинкалар ривожланади. Бундай тухумлар энди одамни зарарлайдиган, яъни, инвазияли дейилади. Инвазияловчи личинкаси бор аскарида тухумлари ифлос сув, сабзавот ва мевалар орқали одам ичагига тушганида улардан личинкалар чиқади. Аскаридозда ичакда жуда кўп аскаридалар бўлса ичак бўшлиғини бекитиб қўяди ва панкреатит касалликларига олиб келади [3]. Текширув натижасида аскаридоз билан 4 нафар бемор касалланганлиги аниқланди, касаллик фақат мактаб ёшидаги болаларда учраши қайд этилди (жадвал).

Жадвал

Ҳазорасп тумани гельминтологик текширув натижаси таҳлили (Ҳазорасп тумани санитар эпидимологик осойишталик ва жамоат санитария хавфсизлик бўлими билан биргаликда олиб борилган 2021 йил 4 чи квартал бўйича)

| № | Бажарилган ишлар | Жами текширилганлар сони | Мактаб ёшигача бўлган болалар сони |
|---|---|---|---|
| 1 | **Жами текширилган кишилар сони** | 6640 | 5793 |
| | Сўров усули | 712 | 473 |
| | Лаборатория | 5928 | 5320 |
| 2 | **Жами аниқланган касаллар сони** | 84 | 76 |
| | Сўров | 3 | - |
| | Лаборатория | 81 | 76 |
| 3 | **Гельминтозлар** | | |
| | Аскаридоз | 4 | 4 |
| | Энтеребиоз | 76 | 72 |
| | Эхинококкоз | 1 | - |
| | **Дегелминтизация** | 84 | 76 |

**Энтеробиоз** – болалар гижжаси (*Enterobius vermicularis)* острицалар туфайли пайдо бўладиган касаллик (10 мм гача катталикдаги тўгарак чувалчанг). Инвазия

ўчоғи одам ҳисобланади. Паразит асосан болаларнинг ингичка ва йўғой ичаги бўшлиғида яшайди. Урғочиси уруғлангандан сўнг тўғри ичакнинг кейинги қисмига чиқиб олади, анал тешик атрофи терига тухум қўяди. Ифлос қўллар, овқат ва бошқа турли предметлар орқали оғизга тушган паразит тухумлари орқали ютилганда одам зарарланади [1]. Болалар гижжаси билан касалланганлар сони 76 нафар, 72 нафарини мактаб ёшидаги болалар ташкил этди.

**Эхинококкоз** - эхинококк (Echinococcus granulosus) тасмасимон чувалчанги келтириб чиқарадиган касаллик. Эхинококкоз катта ёшдаги беморда (1 нафар) кузатилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, гельминтлар билан зарарланиш кўпроқ болаларда кузатилди. Ҳазорасп туманида гельминтологик текширилган беморларнинг катта қисмини болалар гижжаси (острица) келтириб чиқарадиган энтеробиоз ташкил этди. Болалар гижжаси айниқса ёш болалар ингичка ичагининг иккинчи ярмида ва йўғон ичакда паразитлик қилади. Бу паразит гельминтлар орасида аҳолида тарқалиш бўйича, айниқса болаларда доминант тур эканлиги аниқланди. Барча беморлар дегелминтизация қилинди.

Гельминтларнинг болалар организмида паразитлик қилиб яшаши аксарият ҳолларда болаларнинг яхши ўсмаслигига, ички аъзоларнинг заҳарланишига, айниқса ҳазм аъзолари, марказий нерв тизимининг заҳарланишига олиб келади. Организмда гельминт бўлиши турли инфекциялар учун дарвоза ҳисобланади.

Болаларда кўпинча аскаридалар, острицалар, қилбош гижжалар, кам ҳолларда қорамол солитёри ва чўчқа солитёри, сербар гижжа ва эхиноккоклар учрайди. Гельминтларнинг юқиши асосан ёз ва куз мавсумларига тўғри келади. Санитария қоидаларига риоя қилинмаган ҳолларда паразит тухумлари мева ва сабзавотлар, сув ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга одам организмига тушади. Булардан ташқари очиқ қолган мевалар уларга чивинларни ўтириши натижасида ҳам гельминт уруғлари билан зарарланиши мумкин [4].

Гельминтлар келтириб чиқарадиган касалликларни олдини олиш учун, биринчи навбатда бу касалликни тугатиш керак. Бунинг учун аҳоли ўртасида оммавий текширишлар олиб бориш, касалликнинг бор-йўқлигини аниқлаш орқали ва уларни ҳар томонлама ўрганиш орқали эришилади. Бундан ташқари гельминтозларни олдини олишда бир қатор чора тадбирларни амалга ошириш зарур, ва бу тадбирлар бемор бола организмидаги ва ташқи муҳитдаги гельминтларни бартараф қилишга қаратилган бўлиши керак. Болаларни гельминт текширувидан ўтказиш ва бемор болалар аниқланиб даволаш зарур. Санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш керак. Озиқ-овқат маҳсулотлари (мева ва сабзавотлар, сут, сув ва бошқалар), кийимлар, чойшаб ва болалар ўйинчоқлари, шунингдек бола ташқи муҳит билан алоқада бўладиган бошқа предметларнинг тозалигига эътибор бериш керак.

**Хулоса.** Ҳазорасп тумани санитар эпидимологик осойишталик ва жамоат санитария хавфсизлик бўлими ходимлари билан биргаликда 2021 йил 4 чи квартали гижжа касалликларига қарши олиб борилган ишларда жами 6640 киши текширувдан

ўтказилди. Текширув натижасида 84 киши гельминтозлар билан касалланганлиги аниқланди.

Аскаридоз 4 нафар (мактаб ёшидаги болалар), энтеробиоз 76 нафар (72 нафар мактаб ёшидаги болалар) ва эхинококкоз (1 нафар) 1 нафар беморда қайд этилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Авдюхина Т.И., Константинова Т.Н. Энтеробиоз. Клиника, диагностика, лечение, эпидемиология, профилактика: Учебное пособие для врачей. - М.: РМАПО, 2003. - 31 с.
2. Байекеева К.Т., Садыкова А.М., Сейдулаева Л.Б., Умешова Л.М., Исмайлова Б.С. Повсеместно распространенные гельминтозы. Вестник КазНМУ–Алматы: Университет, 2017. – № 1. - С. 101-107.
3. Бронштейн А.М., Малышев Н.А. «Гельминтозы человека». Москва, 2010. - 109с.
4. Генис Д. Е Медицинская паразитология. М., "Медицина", 1991.
5. https://www.who.int